

## **МУСИҚА ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШНИНГ ИЖТИМОЙ ГУМАНИТАР ФАНЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ҲОЛДА ОЛИБ БОРИЛИШИ.**

**Омонов Ҳасан Сулаймонович,**  
ЖДПИ Санъатшунослик факультети  
декани.

**Аннотация:** Ҳеч бир фан, ёки соҳа ўзи алоҳида ривожлана олмайди. Фанлар ва илм соҳалари доимо бир-бирини тақозо этади, бир-бирини тўлдиради, бойитади. Уларни бир-биридан ажратиш тараққиёт занжирини узиш билан баробардир. Шунинг учун ушбу мақолада фанлараро боғлиқлик тўғрисида фикр юритилади.

**Калит сўзлар:** Таълим тарбия, илм – фан, ислоҳат, тарих, аллома, фанлар, мусиқа, ритмик ҳаракат жамият, ижтимоий, гуманитар.

Жамиятимизнинг ўз тараққиёт йўли ва бош мақсади белгиланди, яъни ривожланган демократик ҳуқуқий жамият қуриш жамиятимизнинг асосий кўзланган мақсадига айланди. Бу жамиятни қуриш учун шу жамият фуқароларини, яъни, ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни комил инсонни тарбиялаб етиштириш зарурати пайдо бўлди. Шўролар тузуми даври дунёқараши билан янги авлод, яъни, мустақил жамият қурувчилари дунёқараши ўртасида тафовутлар, зиддиятлар ҳосил бўлди.

Шунинг учун ҳам мустақиллининг дастлабки йиллариданоқ бутун мамалакат миқёсида таълим-тарбия, илм-фан, касб-хунар ўргатиш соҳаларини ислоҳ қилишга ниҳоятда катта эътибор берилди бошланди. Бу сиз жамиятимизнинг бирор бир соҳасини ўзгартиришга киришиб бўлмас еди. Ислоҳотларнинг тақдири ва самараси биринчи навбатда кадрларнинг савиясига, уларнинг замон ва тараққиёт талабларига нечоғлик жавоб беришига тақалар еди. Юртимизнинг эртанги ҳаёти ва тақдири шу муаммоларни қай даражада ҳал қилиш билан боғлиқ эканлигини англаб етмоқдамиз.

Ушу муаммоларни ечиш учун таълимдаги юзакичиликдан воз кечиш, ҳар бир соҳа, ҳар бир фанни замон талаблари даражасида аниқ, равон, тушунарли тарзда ўқитиш, бунинг учун эса, таълим бериш соҳаларидаги

илғор иш тажрибаларидан дарс ўтишнинг самарали методларидан ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда маҳорат билан дарс ўтадиган ўқитувчи кадрлар зарур. Ҳар бир соҳа, ҳар бир фан бўйича дарс ўтувчи ўқитувчи ўз фанини мукамал билиши, уни ёш авлодга ўргатиш учун бўладиган барча қийинчилик ва муаммоларга бардошли бўлиши, учрайдиган ҳар қандай чигалликларни оқилона ечимини топтоғи керак.

Ўқувчи ёшларнинг айрим фанларни яхши ўзлаштирмаганлиги ёки ўзлаштира олмаганлиги ҳаётда дарҳол ўз натижасини беради. Масалан: Она тили грамматикасини яхши билмаган бола бирор маълумотни хатосиз ёзиб бера олмайди, ёки математик амалларни яхши билмаган бола нарса ва буюмларни санаш, кўпайтириш, бўлиш, айириш, ёхуд савдо ишларида турли камчиликларга йўл қўяди. Буни билиш ва аниқлаш учун узоқ муддат кутиш шарт эмас. Лекин, шундай фанлар борки, бу фанлардан боланинг қай даражада билим олганлигини аниқлаш учун жуда узоқ муддат кутиш зарур бўлади. Бу еса, асосан ижтимоий гуманитар фанлар; Тарих, Фалсафа, Тасвирий санъат ва Мусиқа фанлари, Меҳнат, Жисмоний тарбия фанларидир. Ушбу фанлардан болаларнинг қандай билим ва малакаларга эга бўлганлигини аниқлаш учун узоқ муддат зарур бўлади.

Ҳеч бир фан, ёки соҳа ўзи алоҳида ривожлана олмайди. Фанлар ва илм соҳалари доимо бир-бирини тақозо этади, бир-бирини тўлдиради, бойитади. Уларни бир-биридан ажратиш тараққиёт занжирини узиш билан баробардир.

Ижтимоий гуманитар фанлар ичида асосийлардан бири тарих фани ҳисобланиб, бу фан ер юзида ҳаёт нишонлари пайдо бўлган даврдан бошлаб, то ҳозирги кунларда кечаётган воқеа ва ҳодисалар сабабини, воқеаларнинг кечиш жараёнларини, улардан келиб чиққан оқибатларни илмий асосда, исбот ва далилларга таянган ҳолда ўрганувчи фандир. Тарих фани муҳим ижтимоий сиёсий фан бўлиб, унинг асосини вақт белгилайди. Чунки, барча бўлиб ўтган воқеа ва ҳодисалар маълум бир даврда, яъни вақтда содир бўлади.

Муסיқа фанининг тарих фанини ўқитиш билан қуйидагича боғланишни кўришимиз мумкин:

1. Барча халқлар муסיқа маданиятида ҳам ўз ривожланиш тарихи мавжуд. Муסיқа маданиятининг ривожланиш тарихи эса мазкур халқнинг бошдан кечирган воқеа ва ҳодисаларига бевосита боғлиқдир. Масалан: Уйғониш даврида Ўрта Осиё халқлари маданияти, жумладан муסיқа маданияти гуллаб яшнади. Бунга ўша даврда халқимиз орасидан етишиб чиққан алломаларимиз Абу Наср ал Фаробий, Абу Али ибн Сино, Аҳмад ал Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Исмоил ал Бухорий, Баҳовуддин Нақшбандий ва бошқа кўплаб алломалар номини мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин. Бу эса, ўша даврда илм-фаннинг ривожланиши учун тарихий шарт-шароит мавжуд бўлганлигидан, илм-фани ривожлантиришга рағбат бўлганлигидан далолат беради. Демак, ўша даврларда Ўрта Осиёда нисбатан осойишталик, тинчлик ва ҳукмрон синфларнинг диёнатли бўлганлиги фараз қилиш мумкин.

Шунингдек, бу даврда муסיқа маданияти ҳам гуллаб яшнадиким, бунга асос қилиб, Ўн икки мақомимизнинг шаклланганлиги, чолғу созларимизнинг такомиллашганлиги ва янги-янги турларининг яратилганлиги, энг асосийси, ўша даврда муסיқанинг назарий йўналишига асос солинганлиги, бунга буюк алломалар Абу Наср ал Фаробийнинг “Муסיқа ҳақида катта китоб”, “Муסיқа ҳақида сўз”, “Ритмлар тартиби ҳақида китоб”, “Ритмга қўшимча қилинадиган силжишлар ҳақида” асарлари, Абу Али ибн Синонинг “Китоб аш-Шифо” асарида муסיқага оид махсус бўлим, “Рисолаи фил муסיқа”, “Муסיқа санъатига кириш”, “Атрибутлар ҳақида китоб”, “Муסיқа ҳақида билимлар тўплами” каби илмий назарий илмий фундаментал асарларини мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин. Ушбу мисолларимиз юртимизнинг асл тарихидир. Шу ўринда муסיқа маданиятимиз тарихи, халқимизнинг умумий ҳаётига оид бўлган тарихнинг бир соҳаси ёки бир кўриниши деб айтишга асосимиз бор.

Тарих фани ҳамда муסיқа фанларини ўқитишда ҳар икки фан йўналишини бир-бирига боғлаб, бир-биридан фикрларни исботловчи далил сифатида фойдаланиш педагогиканинг дидактик принципларига мос келади.

Тарих фанидан ушбу давр тўғрисида маълумот бериш жараёнида ўша даврда яшаб ижод этган мусиқашунос олимлар Абу Наср ал Фаробий, Абу Али ибн Сино, ибн Зайлий, Сафиуддин Урмавий, Махмуд аш Мезоний, Абдулқодир Мароғий ва бошқа кўплаб ҳофиз, созанда ва бастакорлар ўша даврда яратилган мусиқа санаътимиз гултожи бўлмиш мақомлар, чолғу созлари ва Ўрта Осиё халқлари мусиқа маданиятининг араблар, испанлар орқали Европага ёйилганлиги тўғрисида маълумотлар бериш ёш авлоднинг ўз аجدодлари тўғрисидаги фикрларини, дунёқарашини бойитади ва юртидан фахрланиш туйғусини уйғотади.

Бизга маълумки, умумтаълим мактабларида “Мусиқа маданияти” фани 1-синфдан 7-синфга қадар ўтилади. Бошланғич синфларда бу фан мусиқанинг тўрт йўналишга асосланган ҳолда, яъни “Мусиқа тинглаш”, “Қўшиқ куйлаш”, “Мусиқали ритмик ҳаракатлар бажариш” ва “Мусиқа саводи” қисмларига бўлиб ўқитилади. Юқори синфларда еса уч қисмга, яъни “Мусиқа тинглаш”, “Қўшиқ куйлаш”, “Мусиқа саводи” қисмларига бўлинади. Мусиқа маданияти дарсларининг юқорида кўрсатилган ҳар бир қисмини ўқитишда тарих фани ёки тарихий далилларга мурожат қилишимиз, ўргатилаётган ёки тингланаётган асарларнинг яратилиш тарихи, мазмун ва моҳияти, муаллифлари тўғрисида маълумотлар беришимизга тўғри келади. Ҳаттоки, мусиқа саводи қисмини ўқитиш жараёнида ҳам, унинг яратилиши тарихи, мусиқанинг назарий жабҳаларини илмий асосда ёритиб берган алломалар ва уларнинг бу соҳада яратган илмий рисолалари, бу рисолалар асосида Европада яратилган ҳозирги нота ёзуви тўғрисида маълумотлар берилиши фикримизнинг далилидир.

Мусиқавий ритмик ҳаракатлар бажариш жараёнида ҳам тарихий далилларга асосланилади. Масалан: ўқувчиларни марш садолари жўрлигида қадам ташлашга ўргатиш жараёнида марш мусиқалари ва унга мос қадам ташлашнинг келиб чиқиш тарихи, унинг ҳарбий зарурият асосида пайдо бўлганлиги ва у Европада қадимдан мавжуд бўлганлиги бизнинг республикамизга XIX асрнинг 60-йилларида “Духовой” (пуплама созлар)

оркестри билан бир вақтда кириб келганлигини айтиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Умуман олганда мусиқа фанларини ўқитишни гуманитар фанларнинг, айниқса адабиёт, тарих, жисмоний маданият фанларининг ёрдамсиз тасаввур етиб бўлмайди. Шунинг учун мусиқа ўқитувчиси ушбу фанлар бўйича ҳам маълум даражада билим ва тажрибага ега бўлиши лозим.

Биз, юқорида мусиқа фанини ўқитишнинг гуманитар фанлар, айниқса тарих фанлари билан боғлиқлик даражасини кўриб чиқдик, бу фан қолган барча фанлар билан маълум даражада боғланадики, бу тўғрисида жуда кўп гапириш мумкин.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Маҳкамов У.И. Ўқувчиларни маданий маданиятини шакллантириш муаммолари. Тошкент. “Фан”, 1996 й.
2. Жабборов И. Ўзбек халқ этнографияси. Тошкент. Ўқитувчи 1992 й.
3. Республика илмий семинар материаллари. Замонавийлик контекстида номоддий маданий мерос ва ёшлар тарбияси. Тошкент. 2014 й.
4. И. Ражабов. “Мақомлар” Тошкент. Санъат, 2006 й.
5. М. Абдуқундузов. “Санъатимиз фидойилари”, Тошкент., 2004 й.
6. О. Матёқубов. “Мақомот” “Мусиқа” 2004 й.
7. Фитрат. “Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. Тошкент, 1993 й.
8. Алишер Навоий. “Мажолис ун – нафоис.
9. О. Матёқубов. “Бухоро Шашмақомига яна бир назар”, Тошкент, 2014 й